

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

АМАЛИЙ ГЕОГРАФИЯ

(40 соат)

фанидан

**академик лицей ва касб- ҳунар коллежлари учун
ўқув дастури**

Тошкент-2010

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 1 июлдаги 6/1 ва 4/2-сонли қўшма Ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган ва академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун амалий география фанидан узвийлашган ўқув дастури сифатида узлуксиз таълим тизимига жорий этиш учун тавсия этилган.

Тузувчилар:

А. Қаямов - география фанлари доктори, профессор
Х. Вахобов - география фанлари доктори, профессор
А. Рафиқов - география фанлари доктори, профессор
Ш. Азимов - география фанлари номзоди, доцент
А. Хайитов – педагогика фанлари номзоди, катта ўқитувчи

Дастурни оптималлаштиришда иштирок этган ишчи гуруҳ аъзолари:

Ж. Набихонов	Тошкент педагогика коллежининг география фани ўқитувчиси.
Н. Ирисова	Тошкент вилояти Тошкент тумани Ижтимоий иқтисодий коллежининг география фани ўқитувчиси.
М.Махманазарова	Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 288-мактабнинг олий тоифали география фани ўқитувчиси.
С. Бердиева	Тошкент шаҳар Миробод тумани 213-мактабнинг география фани ўқитувчиси.
Л. Болтаева	Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 273-мактабнинг география фани ўқитувчиси.

Тақризчилар:

Н. Комилова - Ўзбекистон Миллий университети доценти.
М. Абдуллаева - Низомий номи ТДПУнинг «География ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси ўқитувчиси.
С.Ҳайитбоева - Тошкент шаҳар Чилонзор тиббиёт коллежи география фани ўқитувчиси.

Нашрга тайёрлади:

Н. Чиниқулов – Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Амалий география фанидан академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўқув дастури

Тушунтириш хати

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари “Амалий география” ўқув курсини ўрганишлари ҳамма жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки ўрта мактабда табиий ва иқтисодий география курслари тўлиқ ўрганилади, бу жиҳатдан улар барча назарий билимларни оладилар. Ўқувчилар олинган назарий билимлар асосида амалиётга чиқишлари, яъни география курсининг амалиёт билан боғлиқлиги, теварак-атрофда содир бўлаётган турли жараён ва ҳодисалар географик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда уларни яхшиланиш томонга буриш ёки уларни олдини олиш ҳамда асослаш ҳақида ўзаро фикр алмашиш, атроф муҳитнинг ифлосланиши энг элементар технологиясини кўз олдига келтира олиш, бунда фойдаланишнинг меъёрий, андозали кўрсаткичларини билиш, “Геосиёсат” ва унинг назарий асосларини, Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни ва келажагини, ҳозирги замон геосиёсий муаммоларни, табиий ва инсон ресурслари, улардан фойдаланиш ва уларни баҳолаш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техник-иқтисодий асосларини, уларни иқтисодий географик нуқтаи назардан баҳолаш усуллари ва ёндашувларидан хабардор бўлишлари замон талабига айланади.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқувчилар “Амалий география” курсидан сабоқ оладилар. Уларда мазкур ўқув курси бўйича яхши, умрбод эсда қоладиган таассурот қолиши учун уларнинг кейинги ҳаётий амалиётида зарур бўладиган амалий билимлар бериш ҳаёт тақозосига айланмоқда. Ўқувчи табиат улғайиши, яшаши, меҳнат қилиши туфайли табиий муҳитнинг сир-асрорлари, ҳодисалари, жараёнларини тушуна билишни, унинг ишлаб чиқариш ёки жамият билан бўлган ўзаро муносабатларидаги турли ўзгаришлар ва уларнинг оқибатларини тўғри баҳолай олиши мақсадга мувофиқ. Бу борада ушбу курсдан олган билимлари унинг шахсий ҳаётида асқотади. Ҳозирги ёшларнинг камолатга етишларида “Амалий география” курсининг ҳам ҳиссаси бўлиши керак.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари ҳамда унинг аҳамияти

Амалий географиянинг асосий мақсади географик илмий ва амалий билимларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш, табиат ва жамиятдаги мавжуд ҳамда вужудга келаётган турли табиий-географик ижтимоий ва иқтисодий-географик масала ва муаммоларни ҳал қилишнинг конструктив негизларини илмий асослашдан иборат.

Бу мақсадга эришиш учун ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур бўлади:

1) жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни оптималлаштириш;

- 2) табиий комплекслар ва уларни ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамиятини тушунтириш;
- 3) табиий-географик жараён ва ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг амалий аҳамиятини билиш;
- 4) табиий шароит ва ресурсларни хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун уларни баҳолаш;
- 5) географик башоратлаштириш ва башоратнинг аҳамиятини тушунтириш;
- 6) йирик хўжалик корхоналарини жойлаштириш ва амалга ошириладиган муҳандислик лойиҳаларини экологик-географик экспертизасининг аҳамиятини билиш;
- 7) ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилиш муаммолари ва аҳоли жойлашуви масаласи ечимининг оқилона йўллари тушунтириш;
- 8) геосиёсат ва унинг назарий асосларини билиш;
- 9) Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни ва келажагини баҳолай олиш;
- 10) ҳозирги замон геосиёсат муаммоларини, уларнинг сабаблари ва омилларини билиш;
- 11) ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий асосларини тушуниши;
- 12) табиий ва инсон ресурсларини иқтисодий-географик нуқтаи назардан баҳолашни уддалаши лозим.

Амалий география табиий ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш, бу жараёнда таркиб топиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олдини олиш лойиҳаларини асослаш, хўжалик тармоқларини ривожлантириш мақсадида бойликларни баҳолаш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва тараққиёти натижасида вужудга келиши мумкин бўлган муҳитдаги ўзгаришларнинг башоратларини ишлаб чиқиш, табиий муҳит-хўжалик-аҳоли тизимида содир бўлиши мумкин бўлган табиий-антропоген жараёнлар ва умуман интеграл геотизим маромини бошқаришдаги аҳамияти катта. Мазкур фан табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш негизида таркиб топадиган жиддий муаммолар, аҳоли жойлашуви, меҳнат ресурслардан оптимал фойдаланиш ва шунга ўхшаш бир-бири билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий-географик мажмуали ишланмаларини ечишда устуворлик қилади. Амалий географиянинг тадқиқот тамойиллари ва усуллари билан ўқувчиларнинг билимларини бойитиш уларнинг ҳаётини (турмуш) ва меҳнат амалиётида доимо асқотади; уларда табиат муаммолари ечимига нисбатан қизиқиш, ҳозиржавоблик энг муҳим табиат-техника-инсон тизимидаги фаолияти ривожланади.

Амалий география ўқув фани бўйича билимларга, малака ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар

Ўқувчилар мазкур ўқув курсини тўлиқ ва атрофлича ўзлаштиришлари давлат стандартига таянган ҳолда маълум назарий ва амалий билимларга эга бўлишларини тақозо этади. Бу борада билиш, уддалай олиш ва тасаввурга эга бўлиш йўналишида ўқувчиларнинг мавзуларни ўзлаштирганлик

даражалари назорат қилинади. Шунингдек, мавзуларни ўрганишга таянч бўладиган билим ва кўникмалар, атама ҳамда тушунчаларни тўлиқ ўзлаштиришлари кундалик назоратда бўлиши мақсадга мувофиқ. Назоратнинг усуллари бисёр, масалан, тест ўтказиш, ёзма иш, оддий сўраш, атама ва тушунчаларга изоҳ бериш каби йўллар билан билимлари ва кўникмаларини текшириш, маълум мавзу бўйича эркин реферат ёзиш ҳам ўқувчиларнинг мавзуларни ўзлаштирганлик даражаларини аниқлашга имкон беради. Бизнингча, билимларни ўзлаштиришда билиш лозим бўлган жиҳатлар (назарий ва методологик масалалар), уддалай олиш, яъни назарий билим асосида амалий вазифани бажариш асосий мавзудан ташқари унга яқин бўлган бошқа мавзулар мазмунидан тасаввурга эга бўлиш ҳам ўқувчиларнинг билимини юқори бўлишига олиб келади.

Ўқув предметининг асосий бўлимлари

Амалий география ўқув курсининг асосий бўлимлари қуйидагича:

- Амалий география, унинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот усуллари, объектлари, бошқа фанлар билан алоқаси.
- Табиий-географик жараёнлар ва уларни ўрганишнинг аҳамияти.
- Табиат комплекслари ва ресурсларини географик баҳолаш.
- Географик башорат.
- Йирик хўжалик корхоналарини жойлаштириш ва бошқа муҳим тадбирларни амалга оширишнинг экологик-географик экспертизаси.
- Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий асослари.
- Табиий ва инсон ресурсларини иқтисодий-географик баҳолаш.
- Геосиёсатнинг назарий асослари.
- Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни ва келажаги.
- Ҳозирги замон геосиёсий муаммолари.

I- курс

Амалий география (Жами: 40 соат)

Кириш (1 соат)

Амалий география фани ҳақида тушунча, унинг мақсади ва вазифалари. Амалий географиянинг тадқиқот усуллари (тизимли, ландшафт, экологик, иқтисодий ва ҳ.к.). Амалий географиянинг аҳамияти.

Амалий географик тадқиқотлар (2 соат)

Агрогеографик тадқиқотлар. Қишлоқ хўжалик ерлари. Қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш. Маданий экинларни ресурсга мос равишда табақалаштирилиши. Ер кадастри. Тупроқ бонитровкаси. Муҳандислик-географик тадқиқотлар. Саноат корхоналари, гидротехник иншоотлар, йўлларни лойиҳалашда муҳандис-географик тадқиқотлар.

Тиббий географик тадқиқотлар. Табиий шароитни инсон саломатлигига таъсири. Атроф муҳит таркибидаги оғир металллар миқдорини ортиб кетишининг инсон саломатлигига таъсири.

Табиий географик жараёнлар (2 соат)

Табиий географик жараёнлар ҳақида тушунча. Эндоген ва экзоген кучлар. Сунъий омиллар. Табиий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнлар (нураш, эрозия, сел, сурилма, карст, вулқон, зилзила ва ҳ.к.). Сунъий омиллар таъсирида вужудга келадиган жараёнлар: ер юзасини чўкиши, сурилмалар, шўрланиш, сув эрозияси, шамол эрозияси, ўпирилишлар ва ҳ.к.

Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири (2 соат)

Муҳандислик иншоотлари. Шаҳарсозлик, саноат, транспорт, гидротехник иншоотлар. Жамият ва табиатни ўзаро таъсирининг асосий босқичлари: **термачилик**, овчилик, балиқчилик; илмий-техник инқилоб. Экологик мувозанат ва унинг бузилиши.

Табиат комплекслари ва уларнинг ўзгариши (2 соат)

Табиат комплекслари ҳақида тушунча. Ландшафтлар ва уларнинг тузилиши (жой, майдон, фация) лойиҳалаш ишларида ландшафт таҳлили. Табиат комплексларини барқарорлиги ва уларнинг ҳўжалик ишларида ҳисобга олиш. Табиат комплексларини инсон томонидан ўзгартирилиши.

Географик башорат (2 соат)

Географик башорат ҳақида тушунча. Башорат усуллари: ландшафт-индикация; ўхшатиш; экстрополяция. Табиат компонентларини башоратли маълумотномали хусусиятлари. Сайёравий, минтақавий ва маҳаллий башоратлар. Ўзбекистон табиат комплексларининг ўзгаришини башоратлаш.

Атроф муҳит мониторинги (1 соат)

Мониторинг ва унинг турлари: биоекологик, геоекологик, биосферик. Ўзбекистонда атроф муҳит мониторингини амалга ошириш. Ўзбекистонда мунтазам равишда амалга оширилаётган мониторингли тадқиқотлар.

Географик-экологик экспертиза асослари (2 соат)

“Экспертиза” тушунчаси ва унинг турлари (давлат, илмий, жамоатчилик, вазирилик). Экспертиза учун зарур бўлган маълумотлар. Эксперт хулосалари. Ўзбекистонда географик экологик экспертиза ўтказиш.

Инсониятнинг глобал муаммолари (4 соат)

Глобал муаммолар тушунчаси. Тинчлик ва қуролсизланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммоси. Экологик муаммо, экологик таназзул. Демографик муаммо. Демографик таназзул. Демографик сиёсат.

Энергетика ва хом ашё муаммолари: сабаблари ва ҳал қилиш йўллари. Озиқ-овқат муаммоси. Мазкур муаммони ечишнинг экстенсив ва интенсив йўллари. Дунё океанидан фойдаланиш муаммоси. Денгиз хўжалиги. Озон “туйнуғи”, Дунё океани сувининг шўрланиши.

Глобал муаммоларнинг ўзаро алоқадорлиги. Ривожланаётган давлатларни қолоқликдан чиқариш – энг катта умумбашарий муаммо. Глобал илмий башоратлар. Глобал илмий тахминлар (гипотезалар): Иссиқхона самараси, Ер юзи аҳолиси сонининг барқарорлашуви, Ойкуменаполис гипотезалари. Глобал лойиҳалар. Жаҳон ХХІ асрда.

Амалий машғулот

Кон металлургия, энергетика ёки кимё саноати корхоналарининг жойлашиши бўйича экологик-географик экспертиза ўтказиш (корхона танлови ихтиёрий).

Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий асослари (7 соат)

Хилма-хил турдаги маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган хом ашё, ёқилғи, энергия материаллар ва меҳнат ҳаражатларининг ҳар хиллиги. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш жараёнига таъсир қилувчи техник-иқтисодий омиллар; материал (хом ашё)лар, сув, энергия ва меҳнатга кўп талабчанлик. Хом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг нисбатан транспортабел эканлиги.

Материаллар(хом ашё)ни кўп истеъмол қилувчи тармоқлар. Материаллар(хом ашё)га кўп талабчанликни ҳисоблаш ва баҳолаш. Ўзбекистонда материаллар(хом ашё)ни кўп истеъмол қилувчи тармоқларнинг ривожланган ҳолати.

Сувга бўлган талабни баҳолаш. Сувни кўп истеъмол қилувчи тармоқлар. Ундирувчи ва қайта ишловчи тармоқларда сув сарфи. Деҳқончиликда сув сарфининг кескин фарқларга эгалиги ва унинг асосий сабаблари. Ўзбекистонда сувни истеъмол қилувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари.

Энергияга бўлган талабчанликни тавсифлаш. Энергияни кўп истеъмол қилувчи тармоқлар. Ёқилғидан, электр энергиядан ёки ҳар иккисидан ҳам кўп фойдаланувчи тармоқлар. Саноатнинг айрим тармоқларида энергия сарфини маҳсулот таннархидаги улуши. Ўзбекистонда энергияни кўп истеъмол қилувчи тармоқларнинг ривожланганлигига ва жойлашганлигига хос хусусиятлар.

Меҳнатга бўлган талабчанликни ўрганиш ва баҳолаш, меҳнатни кўп талаб қилувчи саноат ва қишлоқ хўжалигининг тармоқларини ривожланиши ва жойлашишини ифодаловчи қонуниятлар. Мамлакатларнинг ривожланганлик даражаси билан меҳнатни кўп истеъмол қилувчи тармоқларнинг тарқалиши ўртасида функционал алоқанинг мавжудлиги. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни кўп истеъмол қилувчи тармоқларнинг кенг тарқалганлиги шу ҳолатнинг асосий сабаблари.

Хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг нисбатан транспортабеллиги. Уни ҳисоблаш ва баҳолаш усуллари. Хом ашёдан катта ва кичик миқдорда тайёр маҳсулот олинадиган саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари. Транспортабел тайёр маҳсулот турлари. Транспортабел бўлмаган хом ашё ва тайёр маҳсулот турларини узок масофаларга ташиш муаммосини ҳал қилиш йўллари.

Тармоқлар ва айрим корхоналарни бозор иқтисодиёти шароитида ҳудудий жойлаштириш тамойиллари.

Табиий ва инсон ресурслари, уларни иқтисодий-географик баҳолаш (3 соат)

Географик баҳолаш усуллари (сифат, миқдор). Минерал ресурсларни иқтисодий баҳолаш, уларни ишлаб чиқариш(қазиб олиш)га кетган якуний ва тўғри ҳаражатларнинг фарқига асосланиши. Дифференциал рента ва табиий ресурсларнинг иқтисодий баҳоси. Дифференциал рента кўрсаткичидан табиий ресурсларни иқтисодий баҳолашда фойдаланишда ҳисобга олиши зарур бўлган уч жиҳатга хос хусусиятлар.

Сув ресурслари ва уларни иқтисодий баҳолаш билан боғлиқ бўлган муаммолар. Биологик ресурсларни иқтисодий баҳолаш ресурслари. Ўрмон ресурсларини миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича баҳолаш.

Иқлим ресурслари ва уларни иқтисодий баҳолаш масалалари. Иқтисодий баҳолашни иқлим ресурсларидан фойдаланиш мақсади билан алоқадорлиги. Рекреацион ресурсларни иқтисодий баҳолаш. Туристик рента ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.

Аҳоли, меҳнатга лаёқатли аҳоли, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли, ишчи кучи тушунчаларининг мазмуни.

Аҳолини табиий ва миграцион ҳаракатини тавсифлаш ва баҳолаш. Демографик жараёнларни ҳисоблаш усуллари.

Меҳнат ресурсларини ҳисоблаш методикаси. Меҳнат ресурслари баланслари, уларнинг асосий элементлари. Иқтисодий фаол аҳоли сони ва улушини ҳисоблаш. Иқтисодий нофаол аҳоли ва унинг таркиби. Банд аҳоли, ишсизлар, иқтисодиётдан ажралган ҳолда таҳсил олаётган ўқувчилар ва бошқа турдаги иқтисодий фаол ва нофаол аҳолини ҳисоблаш методикаси. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари муаммоси ва уни ҳал этиш йўллари. Инсон ресурсларини иқтисодий баҳолаш усуллари ва ёндашувлари. Меҳнат ресурсларининг жамият тараққиётидаги аҳамияти баланс ва бошқа усуллар ёрдамида баҳолаш.

Геосиёсатнинг назарий асослари (4 соат)

“Геосиёсат” тушунчасининг моҳияти ва мазмуни. “Геосиёсат” шаклланиши ва ривожланишининг манбалари ва асосий босқичлари.

Геосиёсат объекти ва предмети. Геосиёсатнинг асосий қонунлари, категориялари. “Геосиёсат” фани методлари ва асосий вазифалари.

Геосиёсат классикларининг асосий ғоялари ва тамойиллари(Ф. Ратцель, Р. Челлен, Х.Макиндер, Т. Мехен, В. Бланш, Н. Спайкмен ва бошқалар).

Ҳозирги замон геосиёсат мактаблари ва назариялари (“Атлантизм”, “Бихевиоризм”, “Мондиализм”, Рус мактаби ва бошқа ёндашувлар).

Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни ва келажаги.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги (4 соат)

Ўзбекистон ҳозирги замон сиёсий ва иқтисодий харитасида. СССР нинг парчаланиб кетиши ва унинг Ўзбекистон учун геосиёсий оқибатлари. Ўзбекистон нимаси билан геосиёсий эътиборга эга? Ўзбекистоннинг геосиёсий манфаатлари.

Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни ва келажаги. Ўзбекистон-ғарб мамлакатлари, Ўзбекистон-МДХ мамлакатлари, Ўзбекистон-АҚШ, Ўзбекистон-қўшни мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар.

Ўзбекистоннинг геосиёсий мавқеи ва унинг истикболлари. Ўзбекистоннинг табиий демографик салоҳияти ва геосиёсий манфаатларини амалга ошириш йўллари.

Ҳозирги замон геосиёсий муаммолари .Давлатларнинг ўзаро геосиёсий муносабатлари. (4 соат)

Давлатларнинг ўзаро геосиёсий муносабатлари ҳақида. Геосиёсатнинг тарихий категориялари Ғарбий ва Шарқий Европадаги геосиёсий жараёнлар. Геосиёсий муносабатларда АҚШ нинг тутган ўрни ва мавқеи. Кўп қутбли дунё шаклланиши ва ривожланиш истикболлари.

Россиянинг геосиёсий манфаатлари. Россия-Ўзбекистон муносабатлари, уларга хос динамика ва хусусиятлар. Хитойнинг геостратегик сиёсати ва унга хос иқтисодий, сиёсий, географик ва демографик хусусиятлар. Хитойнинг Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ минтақаларидаги геосиёсий вазиятга таъсири.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Алимов Т.А., Рафиқов А.А. Экологик хатолар сабоқлари: –Т.: Ўзбекистон, 1991.
4. Андриянова Т. В. Геополитические теории XX века (Социально-философские исследования). –М.: 1996.
5. Гаджиев К. Э. Геополитика. –М.: Международные отношения, 1997.

6. Геополитика: теория и практика-Под ред. Э. А. Позднякова. –М.: 1996.
7. Дуген А. Основы геополитики. –М.: Артогея, 1997.
8. Зокиров Ш.С. Ландшафтшунослик асослари. –Т.: Университет, 1994.
9. Максаковский В.П. Географическая картина мира. Общая характеристика мира. –Ярославль: 1996.
10. Максаковский В.П. Географическая картина мира. Глобальные проблемы человечества. –Ярославль: 1996.
11. Маматкулов М, Нигматов А, Юсупов Р. Геоморфология. –Т.: Чўлпон, 2006.
12. Набиев Э.Ғ., Қаяумов А.А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. - Т.: Академия-Университет, 2000.
13. Нигматов А. Инсон ва тупроқ. 1-2 нашр. –Т.: “Ғафур Ғулом”, 2002, 2003.
14. Поздняков Э. А. Геополитика. –М.: Прогресс-Культура, 1995.
15. Рафиқов А. А. Амалий география. –Т.: “ Шарқ”, 2007.
16. Рафиқов А. А. Геоэкологик муаммолар –Т.: Ўқитувчи, 1997.
17. Тихонравов Ю. В. Геополитика. –М.: Инфра, 2000.
18. Хорев Б. С. Очерки геоглобалистики и геополитики. –М.: 1997.
19. Ғуломов П.Н. Инсон ва табиат. –Т.: Ўқитувчи, 1990.
20. “Атлас мира” - CD комплекс диска, “New Mennlum”.